

“Tasdiqlayman”
Mirishkor tuman tibbiyot
birlashmasi bosligi
B.Muxammadjonov



Mirishkor tuman tibbiyot birlashmasi

TEXNIK VAZIFA

Mirishkor tuman tibbiyot birlashmasi issiq ovqat bilan ta'minlash ishlariga

TANLOVNING MA'LUMOT JADVALI

Ushbu bo'lim tanlov (konkurs) mavzulariga oid aniq qoidalarga va tanlov xujjatlarining boshqa bo'limlarida keltirilgan ma'lumotlarni yoki talablarni o'z ichiga oladi

№	Texnik vazifa mazmuni	Vazifalarga izox
1	Buyurtmachi:	Mirishkor tuman tibbiyot birlashmasi
2	Tanlov mazmuni yoki nomi:	issiq ovqat bilan ta'minlash
3	Tanlov e'lon qilingan joy	Mirishkor tuman markazi
4	Aloqa uchun shaxs:	Xayitov To'ra
5	Tanlov e'lon qilingan joy	O'zbekiston Respublikasi Tovarxomashyobirjasi https://etender.uzex.uz/
6	Tanlov ishtirokchilari	Mulkchilik shaklidan qat'iy nazar istalgan yuridik shaxslar, sh jumladan, kichik biznes sub'ektlari-tanlovda ishtirok etishi mumkin.

Tanlovni o'tkazish sharti		<p>1 Tanlovda ishtirok etish uchun, tanlov ishtirokchisi qo'yidagilarni amalga oshirishi lozim:</p> <p>a) tanlov shartlari bilan tanishish uchun maxsus axborot portalida joylashtirilgan tanlov hujjatlarining elektron nusxasini olish (ko'chirish);</p> <p>b) tanlov hujjatlar shartlariga muvofiq tanlov hujjatlarini topshirish.</p> <p>2 Qo'yidagi ishtirokchilarning tanlovda qatnashishiga yo'l qo'yilmaydi:</p> <p>qayta tashkil qilinish, tugallanish yoki bankrotlik bosqichini boshidan kechirayotgan;</p> <p>“Buyurtmachi” bilan sudda yoki hakamlik sudda tortishayotgan;</p> <p>Insafsiz ijrochilarning yolg'on ro'yxatiga kiritilgan;</p> <p>Soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni ito'lash bo'yicha qarzdorligi bor;</p> <p>3 Buyurtmachi qo'yidagi hollarda ishtirokchini xarid qilish taomilida ishtirok etishdan chetlashtiradi: Ishtirokchi to'g'ridan-to'g'ri yoki vositali</p>
		<p>Tarзда buyurtmachining yoki boshqa davlat organining hozirgi mansabdor shaxsiga yoki sobiq xodimiga davlat xaridlari jarayonida biron-bir harakatni amalga oshirish, qaror qabul qilish yoki ibiron-bir tanlov taomilini qo'llashga ta'sir ko'rsatish maqsadida har qanday shakldagi mukofot, ishg' aolishni yoki har qanday qimmatbaho buyum yoki xizmat ko'rsatishni taklif qilgan, bergan yoki bunga rozi bo'lgan taqdirda; ishtirokchi adolatsiz tanlov ustunligiga ega bo'lsa yoki qonunga zid bo'lgan manfaatlar to'qnashuvi mavjud bo'lsa.</p>
8	Tanlov taklifi va uni rasmiylashtirish tartibi	<p>1 Portalda e'lon qilingan tanlov ishtirokchilari, o'z takliflarini e'londa belgilangan tartibda elektron tarzda tanlov o'tkazilishi haqidagi e'londa qatnashadi .</p> <p>2 Tanlov ishtirokchilariga takliflarni elektron imzosi bilan ishtirokchivakolatli shaxs tomonidan taqdim etish tavsiyaqilinadi .</p> <p>3 Ishtirokchining tanlov taklifi buyurtmachining tanlov komissiyasi tomonidan shahsiy elektron imzolari bilan tasdiqlanadi.</p> <p>4 Tanlov ishtirokchisi: taqdim qilinayotgan ma'lumotlar va hujjatlarining haqiqiyliigi va ishonchliligi uchun ma'sul hisoblanadi.</p> <p>5 Tanlov taklifi tanlov shartlariga mos bo'lgan va qo'yidagi ma'lumotlarni qamrab oluvchi narxga oid qismdan tashkil topadi: xizmatning nomlanishi, xizmat ko'rsatish qiymati, yakuniy summa, to'lov shartlari, taklifning amal qilishi muddatiga h.z.</p> <p>6. Narxga oid takliflar mavjudligiga talablar: Narxga oid taklif va narxlar jadvali ushbu yo'riqnomaga ilova qilinadigan belgilangan shaklga muvofiq holda.</p>

9	Tanlov bo'yicha takliflarni baxolash vaqti	Tanlov taklifini kurib chiqish muddati 3 ishkunidan ortiq emas
10	Shartnomani bajarish uchun kafolat mablag miqdori	Tanlov natijalari buyicha aniqlangan ish narxining 3% miqdorida
11	Buyutmachilarning tanlov bo'yicha taklif qiladigan eng yuqori narxi:	Issiq ovqat bilan taminlash rejasida (Oyma oy belgilanganga nisbatan)
12	Tanlovga takliflar beriladigan til:	O'zbek
13	Moliyalashtirish manbai:	Byudjet mablag'lari xisobidan
14	Tulov valyutasi	O'zbekiston Respublikasi so'mi

Iqtisodchi:



K.Jaylovov.

«КЕЛИШИЛДИ»

Миришкор туман тиббиёт
бирлашмаси
танлов комиссиясининг

01-Ноябр 2022 йилдаги
72-сонли йиғилиш баёнига
асосан

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Миришкор туман тиббиёт
бирлашмаси
бошлиғи
Б.Мухаммаджонов,
«01» Ноябрь 2022 й.

Миришкор туман тиббиёт бирлашмасига пархез таом тайёрлаш Аутсорсинг
хизматини бажарадиган ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Буюртмачи: Миришкор туман тиббиёт бирлашмаси

Миришкор – 2022й.

ТАРКИБИ

- I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома.
- II. Танловнинг техник қисми.
- III. Танловнинг нарх қисми.
- IV. Шартнома лойиҳаси.

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий ҳолатлар.
- 1.1 Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 Июнда «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3800-сонли Қарори (кейинги ўринларда – Қарор) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов предмети:
Миришкор туман тиббиёт бирлашмасига пархез таом тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажариш учун
- 1.3 Миришкор туман тиббиёт бирлашмаси шартнома ҳисобчисининг талабномаси танловни ўтказиш учун асос ҳисобланади.
- 1.4 Танловни ўтказишда унинг чегара қиймати **шартноманинг умумий қиймати 01 Ноябрь ойдан 30 Ноябрьгача бўлган давр учун 21 600 000 (Йиғирма бир миллион олти юз минг) сўмдан ошмаслиги зарур.**
(танловда таклиф қилинган нархлар ундан юқорини ташкил қилмаслиги зарур)
- 1.5 Харид кининадиган хизматлар техник топшириғи мазкур танлов ҳужжатларининг иловасида келтирилган.
- 1.6 Танлов комиссияси йиғилишининг шакли – юзма-юз.
- 2 Танлов ташкилотчилари
- 2.1 Миришкор туман тиббиёт бирлашмаси танлов буюртмачиси (кейинги ўринларда – буюртмачи) ҳисобланади.
«Буюртмачи» манзили:
Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Янги Миришкоршаҳарчаси, 181 000
«Буюртмачи» реквизитлари:
МФО 00014,
ИНН 200 701 284
х/р100022860102337073102054003
«Марказий банк Тош ш» ХККМ
- 2.2 **Танлов ташкилотчиси контакти:**
Шартнома мажбуриятларини бажариш ва газначилик бўлими, бўлим бошлиғи

Тел.: _____

Моб: (99) 945-10-44

e-mail: _____

Техник саволлар бўйича масъул контакти:

- 2.3 Танлов комиссияси ишчи органи:
Миришшкор туман тиббиёт бирлашмаси иш ва хизматлар танловини амалга оширувчи танлов комиссиясининг танловларни ўтказишдаги ишчи органи масъул котиби («кейинги ўринларда –танлов комиссияси»).
- 2.4 Шартнома тузувчи: Миришшкор туман тиббиёт бирлашмаси
- 2.5 Танлов буюртмачи томонидан ташкил қилинган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.
- 3 **Танлов иштирокчиси** 3.1 Танловда мазкур танлов ҳужжатларининг 4.2-бандида кўрсатилган юридик шахслардан бошқа, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча турдаги юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин
- 4 **Танловни ўтказиш тартиби** 4.1 Танлов иштирокчиси танловда қатнашиши учун: танлов шартлари билан тўлиқ таниши учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон шаклини олиши (юклар олиши);
- танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларни эътиборга олган ҳолда унда иштирок этиш тўғрисида расмий танлов таклифи бериши зарур.
- 4.2 Танловга қуйидаги иштирокчиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди:
- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;
 - шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга эмаслик, шу жумладан, мазкур хизматларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган лицензия/гувоҳноманинг мавжуд эмаслиги;
 - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжудлиги;
 - ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;

- буюртмачи билан охирги уч йил ичида тузган шартномавий муносабатларни етарли даражада бажармаган бўлса;
 - буюртмачи билан суд тартибида ва судгача бўлган масалалар кўриляётган бўлса;
 - Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилганлиги.
- 4.3 Буюртмачи кўйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:
- иштирокчи тўғридан-тўғри ёки воситали тарзда буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ҳозирги мансабдор шахсига ёки собиқ ходимига давлат харидлари жараёнида бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки бирон-бир танлов таомилини қўллашга таъсир кўрсатиш мақсадида ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга олишни ёки ҳар қандай қимматбаҳо буюм ёки хизмат кўрсатишни таклиф қилган, берган ёки бунга рози бўлган тақдирда;
 - иштирокчи адолатсиз танлов устунлигига эга бўлса ёки қонунга зид бўлган манфаатлар тўкнашуви мавжуд бўлса.
- 5 Танлов тили, ўлчов бирликлари.
- 5.1 Танлов таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.
Техник таклифлар рус тилида берилишига йўл қўйилади.
- 5.2 Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланилиш шарт.
- 6 Танлов таклифлари ва уларни расмийлаштириш шартлари
- 6.1 Танлов иштирокчиларининг таклифлари эълонда белгиланган тартиб асосида танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзилга муҳрланган конвертларда (конвертнинг елимланган жойига иштирокчининг муҳри босилади) тақдим этилади, унда техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлигига оид маълумотлар техник ва тижорат таклифлари билан бирга бўлиши керак.

- 6.2 Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, мухр кўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.
- 6.3 Иштирокчининг танлов таклифи танлов комиссияси томонидан ишчи органга почта орқали ёки иштирокчи ваколатли шахси орқали етказилади. Танлов таклифи берилиши санаси ва вақти ишчи орган томонидан танлов таклифларини рўйхатга олиш журналида қайд қилинади ва иштирокчи ваколатли шахси имзоси билан тасдиқланади (агарда у мавжуд бўлса)
- 6.4 Танлов иштирокчиси:
- тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва ишончлилиги учун масъул ҳисобланади;
 - фақат битта таклиф бериш ҳуқуқига эга;
 - тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.
- 6.5 Танлов таклифи икки қисмдан иборат бўлади:
- 1) техник қисми Буюртмачининг техник топшириғида кўрсатилган талабларга мўс келиши ва таклиф қилинаётган хизмат тўғрисида батафсил ёритилган бўлиши зарур;
 - 2) нарх қисми танлов шартларига мувофиқ бўлиши ва товар (хизмат, иш) номланиши, товарнинг (хизматнинг, ишнинг) бир бирлиги нархи, умумий қиймати, етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шакли, таклифни амал қилиш муддати ва ҳ.к. каби маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.
- 6.6 Иштирокчи таклифларни раҳбар имзоси ва ташкилот мухри билан тасдиқланган ҳолда тақдим қилиниши зарур. Нархга оид таклиф ҳам бошланғич шаклда берилади. Танлов таклифи елимланган конвертда конвертнинг елимланган жойида иштирокчининг мухри кўйилган ҳолда тақдим қилинади.
- 6.7 Конвертда қуйидагилар кўрсатилиши зарур (8 шаклга мувофиқ):
- танлов предмети номи;
 - иштирокчининг номи;
 - буюртмачининг номи ва унинг манзили;

- «таклифларни бериш муддати тугагунга қадар очилмасин (конвертларни очиш санаси ва вақти кўрсатилади)» ёзуви.
- 6.8 Техник таклифлар қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши зарур:
- мазкур йўриқнома иловасидаги **6 шакл**га мувофиқ таклиф қилинаётган маҳсулот (товар/ишлар) техник характеристикалари техник топшириққа таққосланган ҳолдаги жадвал кўринишида техник таклифлар;
 - мазкур турдаги хизматни амалга ошириш учун рухсат берилганлиги тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатлар;
 - бошқа техник ҳужжатлар (брошюра, техник паспортлар, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар).
- 6.9 Нарх қисми бўйича ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши зарурлигига талаблар:
- мазкур йўриқнома иловасидаги **7 шакл**га асосан тўлдирилган таклиф қилинаётган нарх тўғрисидаги маълумотлар.
- 6.10 Ишчи орган (шартнома мажбуриятларини бажарилиши ва газначилик бўлими) танлов таклифлари солинган конвертларнинг бутлиги ва ишончли сақланишига жавобгар ҳисобланади.
- 6.11 Танловга таклифларни қабул қилиш маҳсул ахборот порталида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади. Танлов таклифлари Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Миришкор туман, Жейнов шаҳарчаси, Мурабийлар кўчаси 35-уй 181000, манзили бўйича қабул қилинади.
- Белгиланган муддатдан кейин тақдим қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди ва қайтариб юборилади.*
- 6.12 Таклифнинг амал қилиш муддати танлов таклифлари қабул қилиш тугайдиган кундан кейинги кейин камида 10 кунга амал қилиши зарур.
- 7 **Танлов таклифларини бериш муддатларини узайтириш**
- 7.1 Иштирокчининг асослангирилган илтимосига асосан танлов комиссияси танлов таклифлари қабул қилиш санасини кўчириши (узайтириши) мумкин. Бунда кўчириладиган (узайтириладиган) муддат танловнинг барча иштирокчилари учун тадбиқ этилади.
- Танлов таклифларини қабул қилиш муддати ўзгарганлиги (узайтирилганлиги) тўғрисидаги огоҳлантириш танловда иштирок этаётган

- барча иштирокчиларга почта, электрон почта ёки факс оркали юборилиши зарур.
- 7.2 Танлов таклифларини такдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон махсус ахборот порталида жойлаштирилади.
- 8 Танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш
- 8.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли.
- Танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш давомида товарни (ишни, хизматни) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 9 Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш
- 9.1 Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда харид комиссияси танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар солинган конвертларни таклифларни баҳолаш учун очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш тартиб-таомили чоғида ҳозир бўлишга ҳақли.
- 9.2 Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн кундан кўп бўлиши мумкин эмас.
- 9.3 Танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.
- Агар таклифни киритган танлов иштирокчисининг таклифи, уни расмийлаштирилишимазкур танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаса, танлов комиссияси ушбу танлов иштирокчиси таклифини рад этади ва кўриб чиқилмайди.

- 9.4 Танлов ғолибини танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида аниклаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.
- Танлов ҳужжатларини баҳолаш мақсадида танлов комиссияси комиссия аъзолари ва/ёки экспертлардан (заруриятга кўра мустақил экспертлардан) иборат бўлган баҳоловчи гуруҳ тузишга ҳақли.
- 9.5 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.
- 9.6 Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади (**2 илова**).
- Танловда иштирок этишдан четлаштирилмаган танлов иштирокчиларининг таклифлари нарх қисми бўйича ҳам батафсил кўриб чиқилганидан ва баҳоланганидан кейин танлов таклифларининг барчаси умумий ҳолда баҳоланади.
- 9.7 Агар таклиф Қонун, Қарор ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.
- 9.8 Таклифни қиритган танлов иштирокчиси Қонунда, Қарорда ва ушбу танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келмаса харид комиссияси бундай таклифни рад этади.
- 9.9 Баҳолаш пайтида танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён расмий равишда ёзма шаклда танлов ташкилотчиси (шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими) орқали белгиланган тартибда олиб борилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.
- 9.10 Танлов ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб

топилади.

- 9.11 Танлов таклифларида арифметик ёки исталган бошқа хатолар мавжудлиги аниқланганда, бундай таклифлар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқиш рад этилиши мумкин. Бу ҳақида танлов иштирокчисига маълум қилинади.
- 9.12 Барча учун танлов таклифларининг бир хиллигини таъминлаш ва уларнинг нархини баҳолашда мувозанатни сақлаш учун танлов иштирокчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан келиб чиқиб қўлланиладиган имтиёзлар ва преференциялар инобатга олинади.
- 9.13 Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.
- 9.14 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 9.15 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 10** **Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликнинг амал қилиши**
- 10.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан қуйидагиларга жавобгарлик юклатилган:
- ишчи орган (шартнома мажбуриятларини бажариш ва ғазначилик бўлими) аъзолари ҳисобланган шахсларга – келиб тушган танлов таклифларининг бутлиги, махфийлиги ва бошқа шахсларга ошкор қилинмаслиги бўйича;
 - танлов комиссияси раиси ва аъзоларига, жалб қилинган мутахассис ва экспертларга – маълумотларнинг ошкор қилинмаслиги, танлов иштирокчилари, жалб қилинган мутахассис ва экспертлар

билан қайсидир иштирокчига устунлик бериш ёки қайсидир иштирокчини камситиш/четлатиш мақсадида тил бириктирмаслик ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик бўйича;

- танлов ғолибига – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома шартларига кўра ўзига юклатилган шартнома мажбуриятларини (миқдор, сифат, амалга ошириш/етказиб бериш муддати, бошқа техник талаблар) бажармаган ёки етарли даражада бажармаганлиги бўйича.

11 Бошқа шартлар

- 11.1 Буюртмаси танлов иштирокчисидан таклиф қилинган товар (хизмат/иш) бўйича шундай товар (хизмат/иш) иштирокчи томонидан илгари етказиб берилган (кўрсатилган) учинчи шахдан фикр-мулоҳаза сўраши мумкин.
- 11.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидаги талабларни, танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда (**9 шакл**) тушунтириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга ҳақли.
- 11.3 Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга жавоб юбориши шарт.
- 11.4 Танлов комиссияси томонидан қуйидаги ҳолларда танлов ўтказилмаган деб топилиши мумкин:
- танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда;
 - тақдим қилинган барча танлов таклифларида зарурий ҳужжатлар етарлича тақдим қилинмаган бўлса ёки танлов таклифларини баҳолаш чоғида улар томонидан тақдим қилинган таклифларнинг барчаси комиссия хулосасига кўра четлаштирилган бўлса.
- 11.5 Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцентига қадар исталган вақтда танловни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи порталда мазкур қарорнинг асосланганлиги сабабларини эълон қилади.

12 Шартномани
расмийлаштириш

- 12.1 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан эътиборан ўн кундан кечиктирилмаган муддатда тузилади.
- 12.2 Танлов натижаларига кўра танлов ғолиби деб топилган иштирокчига буюртмачи томонидан унинг танловда ғолиб бўлганлиги ва белгиланган шартлар бўйича шартнома тузиши тўғрисида расмий хат юборилади.
- 12.4 Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган ҳолларда шартнома тузиш ҳукуки заҳира ижрочисига ўтади. Бунда заҳира ижрочиси танлов ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузиши мумкин ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Миришкор туман тиббиёт бирлашмаси
бошлигининг даволаш ишлари
бўйича ўринбосари

Миришкор туман тиббиёт
бирлашмаси бош ҳисобчиси

ТТБ ҳисобхона ҳисобчиси

Фелдшер

ТТБ ҳисобхона ҳисобчиси



Н.Ҳомидов.



Б.Шомуродов



И.Рузиев.



А.Бекназаров.



Т.Хайитов.